



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Абдухолиқова Насиба Алижоновна

Ижтимоий фанлар кафедраси докторанти Наманган
муханидислик-технология институти

ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ОНЛАЙН АЛОҚА ХОЛАТИНИНГ САЛБИЙ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақоланинг асосида муаллифнинг институт умумий семинаридаги “Интернет қарамликни олдини олишда ахлоқий маърифат” мавзусидаги диссертация ҳимоя олди маърузаси асос қилиб олинган. Интернет-қарамлик ёшларнинг ҳаддан ташқари компьютерда ишлашга берилиб кетиши сифатида тушунилган.

Ключевые слова: Интернет, компьютер коммуникация, тобелик, интернет қарамлик.

Янги аср глобал миқёсда ахборот асри ҳисобланиб, дунё компьютер технологиялари асосида интернет тармоғига уланиш, анъанавий жамиятда ахборот жамиятига қадам қўйишга олиб келди. Ахборотлашган жамият ҳар бир фуқарога чексиз ахборот имкониятларини яратиб халқ ҳўжалигининг ишлаб чиқариш соҳасида электрон бошқарув, инсон ҳаётида эса ахборот олиш, сақлаш ва узатишни янги имкониятини яратди. Шу маънода инсон маънавий турмуш тарзи индивидуалликдан оммавийликка ўтди. Натижада, компьютер-коммуникацияси интернетга боғланиш билан ижтимоий тармоқларга йўл очиб, талабанинг янги эстетик қадрияти виртуал ёки онлайн муносабатлар тизими шакланмоқда. Компьютер талаба учун “ҳамма нарса”, монитор эса виртуал дунёга чиқишида мулоқот воситаси, ижтимоий тармоқларга қизиқиш орқали онлайн алоқаларда сурункали қолиш реал борлиқдан узилиш ҳолатига сабаб бўлди. Шу маънода медиа маданият ўз моҳиятига кўра компьютердан оқилона

фойдаланиш, интернет тармоқ ва сайтларига киришда ахборот диди ва баҳолаш қобилиятини ҳам назарда тутати.

Талаба-ёшларнинг ижтимоий тармоқларга боғланиши Ўзбекистонда 2001 йилдан компьютер технологиялари, Интернет тармоғининг кенг миқёсда уланиши билан бошланди. “Интернет-коммуникация” шахс билан ахборот қурилмаси, яъни компьютер ёрдамида ўзга шахслар билан мулоқотида бўлишни назарда тутилиши илмий адабиётларда муҳокама қилинган. Мулоқотнинг бу медиа шакли интернетга фойдаланувчининг компьютер қурилмаси ёрдамида уланиши ва қурилмага маълумотлар юклаш, мусиқа ва фильмлар кўриш, янгиликлар билан танишишнинг жонли муҳитини **компьютер коммуникацияси** маъносида тушунилади. Чунки, фойдаланувчи Интернет тизимига уланиши учун компьютер ёки ўзга электрон қурилма бўлиши шарт. Компьютерда талабнинг ишлаши оддий қоғозга ёзиш ёки китоб ўқишдан кўра боғланиш даражаси кучлироқ эканлигини кузатиш мумкин. Чунки, қурилмада ишлаган ёшлар ўзини бутун борлиғи билан унга боғланиши реал воқеликдан виртуал компьютер мониторида боғланади. Компьютерда ишлаш фойдаланувчида энг аввало, эстетик завъ уйғотиши билан “ручка ва қалам”ни муомаладан чиқармоқда. Бармоқлар билан клавиатурада ишлаш қўл ёзувидан кўра ҳиссиётларни информатив жиҳатини ўстиради. Тажрибада интернет тизимсиз компьютерда ишлаётган 46 талаба-ёшларнинг кўпчилиги ошхонада газга қўйилган чойнакни унутгани, ўқув машғулотларидан кеч колгани, уй вазифалари топшириқларини бажара олмаганини тасдиқланди.

Жаҳон ҳамжамияти постиндустирал жамиятда ахборотлашувнинг ижтимоий муносабатларга таъсири, яъни оила ва никоҳ, ёшларнинг анъанавий қадриятлардан замонавий турмуш тарзига ўтиши компьютер ва унинг аналогларидан ҳаётини фаоллик шаклида фойдаланишда ўз ифодасини топади. Чунки, электрон қурилманинг ахборот воситаси шаклида турмушнинг муҳим атрибути, компьютер зарурий иш қуроли, мобил алоқа нафақат сўзлашув, балки ахборот коммуникациясининг заруриятига айланиб қолди. Бу ҳол ёшларнинг электрон қурилмаларга коммуникацион тобелигини ҳосил қилмоқда.

Ёшларнинг “онлайн маданият”и диний омил ва ахборотлашган жамият каби икки глобал феноменал ҳодисанинг виртуал шаклида интернет тобелигини манбаидир. Шу боисдан олимларнинг ишида “...онг орқали ижтимоийлашув ва идентикликка кучли таъсир қила бошлади.... Сўнгги йилларда дин, интернет ва ижтимоий идентиклик масаласи ҳар бир давлатнинг диний-сиёсий вазияти, миллий манфаатлари доирасида тўлақонли, объектив тарзда янгича методологик ёндашувларга асосланган тадқиқотларга бўлган заруратни” яна бир бор тасдиқлади¹.

Тадқиқотда тобеликнинг таҳлили сабаб ва оқибат тамойилида ўрганилиши интернет-қарамлик контекстидаги тадқиқи ёшларнинг аниқ электрон қурилмалар ёрдамида ижтимоий тармоқларга тобелиги услубий жиҳатдан муаммони тўғри қуйилишини таъминлайди. Биз фикримизни психология соҳасидаги илмий иш билан далиллашмиз². Чунки, компьютер ёрдамида “**онлайн алоқа**” масофадаги маълум ёки номаълум шахслар билан овозли ёки овозсиз хат-хабар орқали боғланиш,

¹ Гаффарова Г. Абдуллаев А. Ахборотлашган жамиятда маънавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари// Academic research in educational sciences volume. – 2021. – № 2. – Б. 78-86

² Нигматуллина Л. Влияние компьютерной зависимости на структуру личности юношеском возрасте // Мактаб ва ҳаёт . – 2015. –№ 3. –Б.27–30

“сухбатдошлар”нинг алоқа эҳтиёжининг ортиб бориши назарда тутилади. Талабаларнинг виртуал мулоқоти ижтимоий онлайн ҳолида ўзгача муомала хусусиятларига ҳам эгадир. Биз ёшларнинг ижтимоий тармоқларга қарамлиги муаммосининг компьютер коммуникациясига оид таҳлили масалани моҳиятини англашга имкон беради деб ўйлаймиз. Чунки, ижтимоий тармоқ ва сайтларга кириш учун ёшларнинг коммуникация воситаси детерминант ролини ўйнайди. Компьютерга ўтирган киши нафақат психологик, балки эстетик завқ ва хайрат ила унга боғланади. Монитор ўз моҳиятига кўра ёшларга ўзига хос “дунёвий виртуал театр” сифатида улуғворлик кенгликлари тортади. Унинг яна бир эстетик таъсири оммавийлик хусусияти, яъни талабанинг компьютерга эгалигидан лаззатланиш ҳиссини ҳам сезади. Ёшлар компьютердан электрон почтага кириши, телеграммдан келган маълумотни олиши билан қисқа муддатли боғланиши ҳам мумкин. Фикримизча, ахборотлашган жамиятда компьютер шахсни ижодий-бадий илҳомини қўлда ёзишдан кўра бирмунча кучайтиради. Натижада, талабаларнинг компьютер-коммуникацияси зарурий ижодий фаолият шаклига айланиб улгурди. Шу боис Ҳолмуминов Г. ахборотлашган жамиятнинг сифат жиҳатидан фарқли томони “... моддий омиллар эмас, балки идеал омиллар - билим ва ахборот биринчи ўринда туради. Ахборот ва билим олиш, уларга ишлов бериш, уларни саклаш ва бериш жараёнида жамият аъзоларининг аксарияти банд бўлади”, дея тармоқларга боғланишда қурилмаларга урғу беради³.

Интернет ўзига хос дунё бозоридаги маълумотлар базаси бўлиб, компьютер ёрдамида шахснинг унга “коммуникация”си, муайян вақт давомида маълумотлар базасига кириш ва ундан фойдаланиш жараёни тушунилади. Шунинг учун Интернет восита сифатида шахснинг ижтимоий тармоқларга, сайт ва каналларга кириш орқали номаълум субъект билан билвосита алоқасининг амалиётидир.

Муаммо таҳлилида ёшларнинг медиа маданияти “виртуаллик ила онлайнли алоқа”нинг компьютердан фойдаланишда ўзини ўзи назорат қилолмаслик, муккасидан кетиш, мақсад-мазмунсиз монитор олдида ўтиришни олди олишга доир феъл-атвор нафосати ва фаросатини ҳам ифодалайди. Шу маънода ижтимоий тармоқларга ёшлар тобелигининг таҳлилида компьютер коммуникациясининг тадқиқи услубий мақсадга мувофиқдир. Чунки виртуал макон шахснинг компьютер орқали интернетга уланиб миллионлаб фойдаланувчилар маконига кириши англашилса, **онлайн** алоқада “шахс-шахс” ёки “шахс-шахслар” тизимидаги масофали ижтимоий тармоқ мулоқотини тушуниш даркор.

Онлайн алоқа денгиздаги икки кеманинг ўзаро рангли байроқ ёки ёруғлик чиқарувчи мосламада ўзаро ахборот алмашуви, маълумот юбориш ва қабул қилиш жараёнидир. Шу маънода компьютер шахсни виртуал дунёдаги миллионлаб интернет фойдаланувчилар билан уланиш, ижтимоий тармоқ ва сайтлар орқали ахборот майдонидаги “ғойибона учрашуви” ҳисобланади. Тадқиқотчи Х. Мухаммадиев ижтимоий тармоқ ва сайтларнинг ўзига хослиги “...у инсон яратган сунъий макон ва муҳит бўлиб, турли модель ва образлардан ташкил топади. Интернет тизимида вужудга келган виртуал олам биз яшайдиган реал борлиқнинг ўзига хос муқобилидир. Виртуал оламда “яшаш” анча енгил – қизиқарли ўйинга ўхшайди”, деган фикрига

³ Ҳолмуминов Г. Б. Замонавий ахборотлашган жамиятда билим ва этикодни мувофиқлаштириш усул ва воситалари// Academic research in educational sciences volume. – 2020. – № 3. – Б. 346-353.

қўшиламиз⁴. Чунки шахс интернет-коммуникация ҳолатида виртуал оламнинг “фукароси” сифатида реал қахрамонга айланиш эстетик завқ бағишлайди.

Интернет шахснинг ҳаётий эҳтиёжидан заруратга айланиб, электрон қурилмаларнинг сифатли коммуникациясига эътибор берилмоқда. Натижада, интернет ижтимоий муносабатларнинг бирдан бир етакчи омилига айланиб, инсон ҳаётининг мазмунини белгилаб янги маънавий-маданий муҳитни яратмоқда. Биз М. Г. Шилинани АҚШ ҳуқуқий актларига таяниб, интернет-коммуникация дунё бўйлаб компьютерларнинг бир тизимга дастурланиши, ўзаро веб дастурда кабелли ёки радио тўлқинли боғланишини назарда тутиш ҳақидаги фикрига тарафдоримиз. Айни вақтда олима интернетга шахснинг боғланишида тизимдаги компьютерга информативлик омили сифатида эътибордан четда қолдириши баҳслидир⁵. Афтидан олима замонавий ёшларнинг мобил электрон қурилмаларга эғалигини назарда тутган, деб ўйлаймиз.

Демак интернет-коммуникация шахс учун ижтимоий фойдали маърифат, билим олиш имкони бўлиб, меъёрдан ташқари ҳолатларда у талабани турли-туман зарарли маънавий-мазмунсиз виртуалликка чалғитиб, тармоққа **тобеликни** келтириб чиқаради, деб ҳисоблаймиз. Чунки, талаба қурилманинг соҳиби сифатида интернет-коммуникация орқали ўқув маълумотлар базасини қидириши ва юклаб олиши мумкин. Шу билан бирга ундаги ўзига ёққан мусиқа, фильм, роликлар ҳам ёшларнинг асосий ўқув вазифаларидан ўзига жалб эта олади. Натижада, “виртуал ўрмон”дан чиқиб кетиш имкони қолмайди. Интернетга компьютер орқали боғланган шахс реал ёки виртуал дунё орасида бўлиши, бевосита реал вақтда аниқ бир шахс билан муносабатларга киришуви ёки номаълум шахс билан муомалага виртуал киришади. Интернет алоқанинг дунё бўйлаб “чирмовуқ”дек қамраб олингани вазиятнинг замон ёки маконини беқиёс кенглигини ифодалайди.

Тадқиқотчи О. Тўраев ёшларнинг ахборот хавфсизлигига таҳдидларни бир неча босқичларга бўлиб, Интернет билан боғлиқ ахборот хавфсизлигини социологик таҳлилларини амалга оширган⁶. У ахборот хавфсизлигининг босқичлаштириш психологик бўлса-да, ундаги эстетик ва ахлоқийликка гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Интернет нафосат ва ҳуқуқийлик манбаи эканлиги билан ёшларни ўзига жалб этишда тобеликни туғдиради. Натижада, ахборотлашув муҳити инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ниқобида интернет тизимида ёшларни кенгрок тобелик мафқурасини шакллантиради. Улар орасида компьютер, уяли алоқа воситасида интернетга янада мустаҳкам доимий боғланган ёшлар гуруҳи ажралиб чиқиши кузатилмоқда. Улар ижтимоий тармоқларнинг бир неча шаклларида кириб аъзо бўлиши, онлайн форум ва алоқа, баҳс-мунозараларда иштироки билан “лайк” ва “эможи”лар йиғиб тармоқнинг руҳий мутаассиблигига дучор бўлган.

Хулоса қилиб айтганда Ижтимоий тармоқларга қарамлик танишувлардан бошланиб, ёшларнинг эрмак, вақт ўтказиш учун мазмунсиз тармоқлардаги маълумотларни ўрганиш, унга муносабат билдириш орқали ўзига хос виртуалликни реаллик билан алмаштиришдир. *Вконтакте, Одноклассники, Facebook, Twitter, Instagram, Тук-ток* каби тармоқлар ёшларни ўзида жамлаши билан талаба ёшларнинг ўқув жамоаси,

⁴ Мухаммадиев Х. Виртуал олам ва инсон маънавияти // Тафаккур. – 2015. – № 1. – Б. 110.

⁵ Шилина М. Г. Интернет-коммуникация: исследовательские концепции XXI века // Медиаском. – 2012. – № 2. – С. 40

⁶ Тўраев О. Ўзбекистонда ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигининг психологик омиллари. Соц. фан док. дисс.автореф. – Т.: ЎзМУ. 2021. – Б.16

дўастлари, ота-она ва ўзга яқинларидан жонли мулоқотдан онлайн янги танишларга жамоадош бўлиш мақсадини кўзлайди. Ҳозирги пайтда ёшларни ўзига жалб этиш учун ҳорижий давлатларнинг ғоявий “банд қилиш” учун ўзига хос лойиҳасидир¹

Адабиётлар рўйхати

1. Гаффарова Г. Абдуллаев А. Ахборотлашган жамиятда маънавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари//
research in educational sciences volume. – 2021. – № 2. – Б. 78-862.
2. Нигматуллина Л. Влияние компьютерной зависимости на структуру личности юношеском возрасте //Мақтаб ва ҳаёт . – 2015. –№ 3. –Б.27–30
3. Холмуминов Г. Б. Замонавий ахборотлашган жамиятда билим ва эътиқодни мувофиқлаштириш усул ва воситалари// Academic research in educational sciences volume. – 2020. – № 3. – Б. 346-353.
4. Мухаммадиев Х. Виртуал олам ва инсон маънавияти // Тафаккур. – 2015. –№ 1. –Б. 110.
5. Шилина М. Г. Интернет-коммуникация: исследовательские концепции XXI века // Медиаском. – 2012. – № 2. – С. 40
6. Тўраев О. Ўзбекистонда ёшлар ахборот-психологик ҳафсизлигининг психологик омиллари. Соц. фан док. дисс.автореф. – Т.: ЎЗМУ. 2021. – Б.16